

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Махсус Таълим Вазирлиги**

**Тошкент Архитектура Қурилиш Институти**

**Архитектура факультети**

**«Архитектура тарихи ва назарияси» кафедраси**



**Санъат, архитектура ва шаҳарсозлик тарихи**

**«Уйғониш даври санъати» (XV-XIX асрлар)  
ўқув қўлланмаси**

**Тошкент-2009 йил**

Муаллиф:        доцент Мирюсупова М.Х.

Тақризчилар: архитектура фанлари номзоди проф.Мухамеджонов Қ.Х.  
                  катта ўқитувчи Абдуллаева Н.Д.

Ўқув қўлланма институт илмий кенгаши қарори билан чоп этишга тавсия этилди.

Протокол № \_\_\_\_\_ « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2009 й.

Ўқв қўлланма архитектура, дизайн йўналишида ўқиётган бакалаврларга мўлжалланган.

## *Аннотация*

Ушбу ўқув қўлланма архитектура йўналишида таълим олаётган талабаларга мўлжалланган бўлиб, санъат, архитектура ва шаҳарсозлик тарихи бўлимига кирувчи «Уйғониш даври санъати»ни акс эттиради. Ўқув қўлланма уйғониш даври санъати, бутун Европа санъатида қандай ва қачон бошланганлиги ҳақида тўлиқ маълумот беради. Италия, Франция, Германия, Англия, Россия санъатидаги ривожланиш тараққиётини, Барокко, классицизм, рококо, эклектика ҳақида ҳамда шу услубда ижод қилган санъаткорлар ҳақида ва улар яратган санъат асарлари ҳақидаги материаллар берилган.

Талабаларга етказишга мўлжалланган ушбу материаллар 19 мавзуга бўлинган. Ҳар бир мавзу сўнгида, мавзунини мустақамлаш учун саволлар, таянч сўзлар рўйхати берилган.

Данное учебное пособие предназначена студентам, обучающихся по архитектурному направлению, отражает «Историю искусств возрождения», входящий в отдел истории искусств, архитектуры и градостроительства. В этом учебном пособии описывается полная информация о том, когда и как начиналась история искусств возрождения всей Европы.

А также, существуют материалы об истории искусств Италии, Франции, Германии, Англии, России, о стилях барокко, классицизма, рококо, эклектика и о творениях художников в этих стилях, а также созданных ими произведений.

Этот материал, предназначенный для студентов, разделяется на 19 тем. В конце каждой темы даны вопросы для укрепления темы и список ключевых слов.

Given teaching aid is intended for students at the architectural trend, reflects “Renaissance architecture” belonging to the section of history of art, architecture and urban construction. Teaching aid describes entire information about “Renaissance architecture” when how it started in Europe. There are entire information about when and how started history of Renaissance art in all Europe.

Also, there are materials of architecture and urban construction of Italy, France, Germany, England, Russia, about styles baroque, classicism, eclectic and creation of architects in these styles, also created constructions by them.

Given material intended for the students is divided into 19 themes. There are some questions for strengthening the themes and the list of terms at the end of each theme.

## Мундарижа

КИРИШ .....	6
1-МАВЗУ. УЙҒОНИШ ДАВРИ САНЪАТИ.....	9
2-МАВЗУ. ИТАЛИЯ УЙҒОНИШ ДАВРИ САНЪАТИ <b>ОШИБКА! ЗАКЛАДКА НЕ</b>	
3-МАВЗУ. ФЛАРЕНЦИЯ УЙҒОНИШ ДАВРИ САНЪАТИ.....	14
4-МАВЗУ. ИТАЛИЯДА ЮҚОРИ УЙҒОНИШ ДАВРИ САНЪАТИ.....	27
5-МАВЗУ. ВЕНЕЦИЯ ЮҚОРИ УЙҒОНИШ ДАВРИ САНЪАТИ.....	38
6-МАВЗУ. НИДЕРЛАНДИЯ УЙҒОНИШ ДАВРИ САНЪАТИ.....	44
7-МАВЗУ. ГЕРМАНИЯ УЙҒОНИШ ДАВРИ САНЪАТИ.....	49
8-МАВЗУ. XVII АСР ҒАРБИЙ ЕВРОПА САНЪАТИ.....	55
9-МАВЗУ. XVII АСРДА ИТАЛИЯ САНЪАТИ .....	57
10-МАВЗУ. XVII АСР ФРАНЦИЯ САНЪАТИ .....	63
11-МАВЗУ. XVII АСР ИСПАНИЯ САНЪАТИ.....	68
12-МАВЗУ. XVII АСРДА ФЛАМАНДИЯ САНЪАТИ.....	73
13-МАВЗУ. XVII АСРДА ГОЛЛАНДИЯ САНЪАТИ .....	78
14-МАВЗУ. XVIII АСР ФРАНЦИЯ САНЪАТИ.....	82
15-МАВЗУ. XVIII АСР ИТАЛИЯ САНЪАТИ.....	87
16-МАВЗУ. XVIII АСР АНГЛИЯ САНЪАТИ .....	89
17-МАВЗУ. ҒАРБИЙ ЕВРОПА САНЪАТИ .....	
19-МАВЗУ. XIX АСР ИСПАНИЯ САНЪАТИ.....	100
ХУЛОСА .....	9
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....	112

***Тарих – халқ манавиятининг асосидир.  
Хаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас.***  
И.А.Каримов

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов Олий мажлисининг тўққизинчи сессиясида кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва бутун таълим тизимини ислохоти ҳақида – ҳаётимизни ҳал этувчи муҳим масалалар қаторида таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш, уни янги замон талаби даражасига, кўтариш, баркамол авлодимиз келажагига дахлдор қонун лойиҳалари ҳам бор – деган эди. Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури инсон омилига жуда катта маъно, буюк маъно беради, мақсад ва вазифалар стратегиясидан тортиб то таълим – тарбия жараёнининг ҳамма қирралари оид аниқ. Дастурлар мажмуасига ҳар бири негизида инсон асосий омил ҳисобланади.

Кадрлар тайёрлаш тизимида шахс бош субъект сифатида кўрилади, бу бир вақтнинг ўзида таълимий хизматларни ҳам истеъмолчиси; ҳам яратувчиси деб қаралади. Жамият ва давлат, ишлаб чиқариш, фан ва узлуксиз таълим баркамол ижодкор шахсининг шаклланишида кафолат ҳисобланади. Президент И.А.Каримов миллий дастури тўғрисидаги ўз нутқида фақатгина чинакам маърифатли одам инсон қадрини миллат қадриятларини, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб обрўли ўрин эгаллаши учун фидойилик билан курашиши мумкин деб таъкидлаган эди.

Ҳар томонлама етук рақобатбардош кадрларнинг янги авлоди истиқболга монанд вазифалар қўйиш ва уларни ечишга қодир, юқори савияли фикрлаш маданиятига эга, сиёсий ижтимоий ва илмий техникавий ахборотлар дунёсида мустақил ўз йўлини танлай оладиган бўлиши керак.

***Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади.***  
И.А.Каримов

## КИРИШ

XIV - XV асрлар арафасида Ғарбий Европада янги санъат услуби, уйғониш (Ренессанс) вужудга кела бошлади. Уйғониш даври санъати жаҳон санъати тараққиётига янги поғонани белгилади.

Уйғониш даври санъатини асосий бир кўринишларидан бири инсон қиёфасини янада ҳаққоний кўрсатишга, унинг рухий ҳолатидаги мураккабликларни ва унинг янги қирраларини ёритишга интилдилар. Инсон ҳаёти, унинг турмуш тарзини тўлақонли талқин этиш шу давр санъат асарлари учун муҳум йўналиш бўлиб қолди. Ҳаёт мураккаблилиги унинг ички зиддият ва курашлари расом ва хайкалтарошлар назаридан четда қолмади. Озодлик, тенглик ғоялари куйланди, шаклланиб келаётган янги ғоялар илгари сурилди.

Эрта уйғониш даври санъатини характерли томони санъат синтези масаласи бу даврга келиб янги талқин этила бошланди. Эндиликда санъат тури ва жанрлари орасидаги нисбатлар ҳам ўзгарди. Унинг янги тур ва жанрлари юзага келди. Мавжуд анъанавий сюжетлар билан бирга, ҳаётий воқеаларга бағишланган асарлар ҳам кенг миқёсда бадиий ҳаётга кира бошлади. Маиший, манзара ва натюрморт жанрлари мустақил санъат турларига айланди. Инсоннинг ички дунёсига қизиқишнинг ортиши портрет санъатини янги поғонага кўтарилишига олиб келди.

Илм-фан тараққиёти янги қитъалар денгиз йўллари халқларнинг ўзаро алоқаси жадаллашувига имконият яратди. Жаҳон халқларини ижтимоий ҳаёти фаоллашди. Европа мамлакатларида тараққиёт бир мунча тезлашди. Улар кўпгина ўлкаларни босиб олиб ўз ҳукмронликларини ўрнатдилар. Франция, Испания, Португалия, Англия, Голландия ва бошқа Европа мамлакатлари учун арзон хом ашё ишчи кучи ва янги бозорлар очилиб улар тез ривожлана бошлади.

Жаҳон ижтимоий сиёсий ва маданий ҳаётида рўй берган бу ўзгаришларда Европа муҳим ўрин тутди. Европа аҳолиси капиталистик давлат сифатида ривожлана бошлади. Европа мамлакатларида эски тузимга қарши норозиликлар халқ ғалаёнлари кучайди. Бу XVII аср охирига келиб ўрта асрнинг узл кесил инқирозига сабаб бўлди. Ижтимоий муносабатлар ўзгарди. Унинг янги шакллари юзага келди. Ижтимоий иқтисодий ва сиёсий курашнинг кучайиш санъати ва маданиятининг ижтимоий ҳаётда мавқеини оширди.

Бу даврда Европа санъати аввалги анъаналар, энг аввало уйғониш даври анъаналари заминида комол топди. Унда ҳам инсон, унинг жисми, хис-туйғу, ҳаёл-ўйлари, орзу-истаклари ифодаси асосий мавзу бўлди. Инсон ҳаёти, унинг турмуш тарзини тўлақонлик талқин этиш шу давр асарлари учун муҳим йўналиш бўлиб қолди. Графика ривожланди. Хайкалтарошлик имкониятлари янада ортиб у меъморлик, санъат асарларида кенг қўлланди. Бу даврда Европа мамлакатларини иқтисодий ва маданий тараққиёти ижтимоий кучлари бир хил даражада эмас эди. Бу

даврдa маданиятда қатор Ғоявий-бадий йўналишларнинг пайдо бўлиши аввало айна шу ҳодиса билан боғлиқдир. XVII аср “Барокка асри» деб ҳам юритилади. Бу эса бежиз эмас. Чунки даврнинг ғоявий эстетик қарашлари айна шу услубга кўпроқ ўз ифодасини топди. Санъат тарихида XVII аср санъатининг ўзига хос жиҳатларини таърифлаш учун қўлланилган, барокко услубининг белгилари, дастлаб Италияда пайдо бўлган. Микеланжело асарларида бу нарса яққол намоён бўлади. Барокко услубига хос декоративлилик, нур-соя ўйинига эътибор бериш ва хис-ҳаяжонга тўла асрлар яратиш тамоиллари тезда кўпгина санъаткорларни ўзига жалб эта бошлади. Бу хусусият ғарбий Европа мамлакатларига ёйилади ва маҳаллий санъат услуби ва анъаналари таъсирида ўзига хос миллий рух касб эта борди, жумладан Испания ва Португалияда барокко ниҳоятда хашамдор жимжимадар эди. Бунинг сабаби бу ерда маҳаллий наққошлик санъати равнақ топганлигидир. Германияда барокко-готика таъсирида ривожланганлиги сезилади. Фландрияда «фламанд бароккоси» шаклланган бўлса, Францияда барокко классицизм тамойиллари таъсирида намоён бўлди. Барокко Англия, Скандинавия мамлакатлари кейинроқ эса Россияга ҳам кириб келди. Бароккога хос фазилатлар Италия санъатида ўзининг классик кўринишига эришди. Барокко интерерларида декоратив рангтасвир, хайкал муҳим ўринни эгаллайди улар хоналарга бадий мазмун киритади.

Барокко санъатида фазовий кенглик масаласи ҳам ўзига хос талқин этилади. У композицияда ягона ансамбл ташкил этувчи омил вазифасини бажаради. Барокко санъатида ранг суратлари ҳам муҳим ифода воситаси сифатида иштирок этади.

XVII асрга хос яна бир йирик бадий услуб классицизм ҳам Францияда пайдо бўлади. Классицизм вакиллари ақл-идрокни санъатга тўғри йўл кўрсатувчи ягона меъзон деб ҳисоблашган.

Классицизм услуби тарафдорлари ҳам уйғониш даври санъатидан илхомландилар. Улар ҳам идеал образга мурожаат қилдилар.

Классицизм услубининг ўзига хос жиҳатлари дастлаб XVII асрнинг иккинчи ярмида Италияда меъморлар Виньола ва Палладио ижодида сезила бошлади. Классицизмга хос хусусиятлар санъатдаги шаклларнинг геометрик аниқлиги ва ритми мантиқий режалаштирилиши ва кенг кўламда антик санъат шаклларида фойдаланишда намоён бўлади. Классицизм услубида ишланган санъат композицияларида шакл ва уларнинг нисбати ҳамда шакллари антик даврдагича хос ифодалашга ҳаракат қилади. Унда ҳам яхлитлик ва улугвор тантанаворлик мавжуд бўлиши керак. Классицизм санъатида кўпроқ ренессанс ва барокко услуби тамоилларини ижодий ўзгартирган тарзда кўринди ва ривожланди. Табиат манзаралари кўринишлари санъат композицияларида ҳисобга олиниб классицизмнинг талаблари асосида ўзлаштирилди. Классицизм ўз тараққиётида бошқа услублардан масалан барокко услубидан ҳам таъсирланди унинг айрим томонларини ўзида уйғунлаштирди. XVIII асрда Юнон ва Рим тарихи бўйича қилинган кашфиётлар Помпей, Геркуланум

каби қадимий шаҳарларни очилиши немис олим ва санъатшунослари Гёте ва Винкелманларнинг илмий назарий фаолиятлари классицизм услуби ривожланишига туртки бўлди. Антик санъатга қизиқиш янада ортди. XVIII аср охири ва XIX асрда эса бу услуб жаҳон санъатида етакчи бадий услублардан бирига айланди.

## МАВЗУ №1. УЙҒОНИШ ДАВРИ САНЪАТИ

Ўз тараққиётини XV-XVI асрларда бошидан кечирган бу янги маданият тарихда «УЙҒОНИШ» деб ном олди. Бу иборани италиялик рассом ва санъатшунос Жорж Вазари Италияда санъат узоқ ўрта асрдан сўнг яна қайтадан “уйғонганлиги” сабабли ишлатган ва асосан, Жотто ижодига нисбатан қўлланган эди. Кейинчалик эса, бу кенг мазмун касб этиб, Италияда, сўнгра Европанинг бошқа мамлакатларида вужудга келган, ўрта асрлардан фарқ қиладиган санъатни таърифлаш учун қўлланила бошланди.

Уйғониш даври маданияти ва санъати ўз характерини Италияда тўлиқ намоён этиб, қатор тараққиёт босқичларини бошидан кечирди. Булар, асосан, қуйидагилардан иборат:

1. Уйғониш арафаси даври - проторенессанс (XIII-XIV асрлар).
2. Илк Уйғониш даври - кватраченто (XV аср).
3. Юқори Уйғониш даври (XV асрнинг 90- йиллари - XVI асрнинг 20-30-йиллари).
4. Сўнгги Уйғониш даври (XVI асрнинг иккинчи ярми).

(Сўнгги Уйғониш даврида гуманистик санъат билан бирга, тушкун, инқирозий манъеризм оқими ҳам мавжуд бўлди.)

Албатта, Уйғониш даври тараққиёти ҳамма мамлакатларда бир хил бўлмади. Масалан, Германия сўнгги Уйғониш, Нидерландия эса юқори Уйғониш даври тараққиётини бошидан кечирмаган. Уйғониш даври инсоният тараққиётидаги муҳим босқич эди. Уйғониш даври кишилари инсоннинг ақл-идрокига, имкониятининг чексизлигига, маърифатнинг келажакдаги тантанасига ишондилар. Ўз изланишларининг марказига эса шу инсонни қўйдилар. Натижада улар чин маънода халқчил асарлар ярата олдилар, кенг халқ оммасининг орзу-истак, ҳис-туйғуларини ифодалаб, илғор гуманистик ғояларни кўтариб чиқдилар. Шу боисдан ҳам бу давр «гуманизм асри» (humanism лотинча инсоний, инсонпарвар) деб аталди.

Уйғониш даври маданияти антик дунё маданиятидан таъсирланди. Унинг ёдгорликларини кунт билан ўрганди (антик дунё ёдгорликларининг Италияда мўллиги бунга қўл келди). Лекин бу давр южодкорлари унинг қулига айланмадилар. Аксинча, ундан ўз фикр, туйғу тушунчаларини таърифлашда фойдаландилар. Реал воқеликка, гўзалликка қизиқиш давр тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ҳаёт реал ҳодиса деб тан олинди. Санъаткорлар воқеликни реал тасвирлашда янги қонун-қоидаларни излай бошладилар.

### ***Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:***


1. Уйғониш даври санъати деб нимага айтилади?
2. Уйғониш даври неча даврга бўлинади?
3. Уйғониш даври қаерда бошланди?
4. Уйғониш даври санъати нимадан таъсирланди?

### *Мавзуда учрайдиган таянч сўзлар.*

Проторенесанс, дученто, треченто, кватраченто, чинквеченто.

## **МАВЗУ №2. ИТАЛИЯДА УЙҒОНИШ ДАВРИ САНЪАТИ**

Савдо-сотикнинг ривожланиши, ўзга юртлар билан алоқасининг интенсивлиги хунармандчиликнинг ривожланишига замин яратди. Ижтимоий ҳаётда содир бўлган бу хусусият санъат ва маданиятда ўз ифодасини топди. Бу ўзгариш савдо ва ишлаб чиқариш ривожланган Ўрта Италияда жойлашган Флоренция, Пиза, Сиенада ҳамда Шимолий қисмидаги Генуя, Милан, айниқса, савдогар ва банкирлар республикаси бўлган Венецияда жуда сезиларли бўлди.



Италия Майоликаси

Ҳайкалтарош Н.Пизанонинг илк асари Пизадаги баптистерия минбари атрофига ишланган бўртма тасвирлар бўлиб, унда Исо ҳаётидан олинган воқеалар акс эттирилган. Бу тасвирлар ўзининг дунёвийлиги, кўриниши жиҳатидан ердаги оддий ҳаётни эслатиши билан характерланади. У ерда тасвирланган одамлар қиёфаси римлик тақводорларга ўхшаб кетади.




Италия майоликаси.

Уларнинг кўринишлари вазмин ва улуғвор, ишланган буюмларнинг материали ва хажмини кўрсатишга эътибор берилган. Албатта, асар рамзий белгилардан, образлар нисбатан ҳар хил, деформацияга йул қуйилган, фазовий кенглик масаласи шартли олинган, ҳаётий деталлар озроқ, лекин давр учун шуларнинг ўзи муҳим эди. У кейинги реалистик санъат тараққиётида алоҳида ўринни эгаллади. Никола Пизанонинг ижоди Италия ҳайкалтарошлигининг ривожланишида муҳим роль ўйнади, унинг таъсирида қатор санъаткорлар камол топди. Шулар орасида **Арнольфо ди Камбио (тах. 1240-1302)**, **Жованни Пизано (тах. 1250-1317)** машҳурдир.

Жованни Пизано ҳайкалтарошлик сирларини ўз отаси Никола Пизанодан ўргангани ҳолда, проторенессанс ҳайкалтарошлигини Уйғониш даври санъатига яқинлаштирди. У ўз ижодида проторенессанс қайкалтарошлигига хос қотиб қолган сунъийликдан қочиб, унга замон руҳини киритди, ҳаракатни кучайтирди, уларнинг ҳаётий томонларини оширди. Жованни ҳайкалтарош ва меъмор сифатида ижод қилди, собор ва черковлар қуриш ишларида қатнашди. Минбарлар учун рельеф, ибодатхона токчаларига қуйиш учун ҳайкаллар ишлади. Бу рельеф ва ҳайкаллар ҳаракатда, кучли хис-ҳаяжон билан ишланган. Шу ўринда унинг «Бутга михланган», «Чақалоқларни чавоқлаш» композициялари характерли.

Сузсиз, Уйғониш даврининг йирик рассоми, проторенессанс рангтасвир санъатининг буюк ислохотчи Чимабуэнинг шогирди Жотто ди Бондоне (1266/67-1337) ҳисобланади. Шаклланиб келаётган янги зиёлиларнинг типик вакили, реалистик санъатининг асосчиларидан бири, рассом-хайкалтарош, меъмор Жотто ўзидан аввалги ва ўзи яшаган даврдаги реалистик санъат борасида эришилган ютуқларни чуқур ўзлаштирган ҳолда, уни янги поғонага кўтарди. Жотто композициялари асосида, асосан, диний мавзу ётса ҳам, лекин шу афсонавий воқеаларни янги мазмун билан, шу даврда шаклланиб келаётган янги маданият талаблари мазмуни билан узвий боғлиқ ҳолда намоён этади. Унинг асарларида реал инсон бутун борлиғи билан тасвирланади, унинг жасорати, олижаноблиги, инсонпарварлиги куйланади. Шу билан бирга, инсонлар орасида учраб турадиган худбинлик, ёвузлик, сотқинлик каби хислатлар очиб ташланади. Жотто асарларининг бош мавзуси маънавий-ахлоқий баркамол инсонни улуғлаш ва уни давр идеали даражасига кўтаришдир. У воқеликни реал муҳитда - маконда ифодалашга интилади.



Жотто.  
Иуда бўсаси.

«Иуда бўсаси» композицияси марказида Исо ва унинг сотқин шогирди Иуда тасвирланади. Исонинг очиқ чехраси, ўзини хотиржам ва улуғвор

тутишида нуронийлик сезилиб туради. Аксинча, ўзининг ёмон ниятларини яширишга интилган, лекин бу ниятлари унинг хунук ташки қиёфасида ҳам намоён бўлган, Иуда образида эса сотқин, халқ нафратига дучор бўлган шахс гавдаланади.

Жотто ўз ижоди билан Уйғониш даври реалистик рангтасвирининг асосий йўналишини бошлаб берди. Инсонга ишонч, инсонийликни улуғлаш каби қарашлар кейинги давр рассомларини реалистик санъатнинг янги ифода ва тасвир воситаларини излашга даъват этди. Унинг замондошлари, ундан кейинги санъаткорлар ҳам Жотто ижодини намуна мактаби деб билдилар



Джотто ди  
Бондане. Ҳамма  
авлиёлар

Сиеналик санъаткор **Симоне Мартини (тах. 12841344)** ижодида ҳам шу сиена мактабига хос хусусиятлар - воқеликни поэтик ва эмоционал талқин этиш, сержилолик ва нафислик мавжуд. Унинг асарларида ранг муҳим ўринни эгаллайди ва эстетик эмоционал томонини белгилашда етакчи роль ўйнайди.



Джотто. Мария ва Елизаветанинг учрашуви.

Симоне Мартини Италиянинг кўпгина шаҳарларида ижод қилиб, диний мавзудаги асарлари билан бирга ҳаётий воқеаларга бағишланган асарлар яратди, портрет ишлади. Шулар ичида ёлланган ҳарбий кўмондон Гвидоричче да Фольянога бағишланган деворий сурати машҳурдир.

***Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:***

1. Италия уйғониш даври ҳақида нима биласиз?
2. Уйғониш даври ижодкорлари ҳақида гапиринг?
3. Н.Пизанонинг ижоди?
4. Жатто ди Бондонс ижоди?

***Мавзуда учрайдиган таянч сўзлар.***

Минбар, рельеф, капелла, меҳроб.

### МАВЗУ №3. ФЛОРЕНЦИЯ УЙҒОНИШ ДАВРИ САНЪАТИ

XV аср бошларида Флоренция бой банк хужайини Козимо Медичи кўлига ўтди. Доно сиёсатчи, айёр дипломат Медичи ва унинг сулоласи хокимият тепасида деярли XV асрнинг охирларигача турди. Козимо Медичи хокимиятни мустахкамлаш мақсадида ўз атрофига машхур санъаткор ва олим, донишмандларни тўплади, уларни иш билан таъминлади, истеъдод эгаларига хомийлик қилди. Ўзидан сўнг унинг набираси Лорендо бу ишни давом эттирди. Флоренция XV аср давомида Италиянинг муҳим маданий ўчоғи, илк Уйғониш санъатининг ватанига айланди. 1453 йил Византия турклар томонидан босиб олингандан кейин, у ердаги олим ва санъаткорлар Флоренцияга кела бошладилар. Флоренция грек тили, адабиёти ва фалсафасини ўрганиш марказига айланди. Шу ерда Платон академияси, кутубхона ташкил этилди. Антик дунё санъати ёдгорликларини ўзида мужасамлаштира бошлаган биринчи бадий музей юзага келди. Булар сузсиз, кватроченто санъати характерида ўз ифодасини топди.

Тасвирий санъат. Илк Уйғониш даври тасвирий санъатида пайдо бўлган янги анъаналар дастлаб хайкалтарошликда кўрина бошлади. Хайкалтарошликда янги давр санъати анъаналари рангтасвирга нисбатан илгарироқ пайдо бўлишига сабаб, дастлаб бу санъатнинг ўрта аср ибодатхоналар қурилишида кенг ўрин олганлигидир. Чунки ибодатхона ва дин билан боғлиқ бўлган катта бинолар қурилиши қошида хайкалтарошлик, декораторлик устахоналари ҳам мавжуд бўлиб, бу устахоналарда бўлажак санъаткорлар меъморлик, хайкалтарошлик ҳамда заргарлик сирларини ўрганишар эди.



Лоренцо Гиберти.  
Бронза эшик

Бу, албатта, янги давр пластик санъати равнақиға замин яратди. Шундай устахонада таълим олган ҳайкалтарошлардан бири **Лоренцо Гиберти (1378-1455)**дир. Унинг ижодида ўрта аср ҳайкалтарошлигидан янги давр реализмига ўтиш ўзига хос йўналишда содир бўлди. Заргарлик асосларини эгаллаган бу санъаткор ҳайкалтарошлик асарларида ҳам заргар сингари ҳар бир деталь ва образнинг тугал, аниқ шаклга эга бўлишига ҳаракат қилади. Флоренциядаги баптистерия учун ишланган бронза эшик юзасига ишланган бўртма тасвир Гибертининг машҳур асарларидан бири ҳисобланади.


Илк Уйғониш даврининг яна бир ҳайкалтарош ва меъмори **Якопо делла Кверча (1374-1438)** бўлиб, дастлабки ижодида готика таъсири сезиларли бўлса ҳам, лекин ижодининг гуллаган даврида Уйғониш даври санъатига хос хусусият кучли бўлди. Завқ-шавққа тўлган, ғайратли ва жасур инсон образини ўзига хос дадил усулларда реал талиқин этиб, юқори гуманизм даври санъаткорларининг ижодига хос йўлни тута олди.



Донателло. Авлиё Петр Сабори рельефи.

Илк Уйғониш даври ҳайкалтарошлигининг юлдузи флоренциялик ҳайкалтарош Донато ди Никола ди Бетти Барди ёки қисқача **Донателло (1386-1466)** эди. У Уйғониш даври ҳайкалтарошлигининг ҳақиқий ислохотчиси, реалистик санъатнинг асосчиси. Унинг ижоди кейинги Европа ҳайкалтарошлиги тараққиётида муҳим ўринни эгаллади. Донателло

хайкалтарошлик борасида эришилган ютуқлар, содир бўлаётган янги анъаналарни ўрганиб, уни ўзлаштирган ҳолда, кватраченто санъатига хос бўлган йўналишни яратди. У хайкалтарошликнинг кўп турларида ижод қилди, турли мавзуга мурожаат қилди. Донателло бадий таълимни дастлаб Гиберти устахонасида эгаллади, лекин тезда санъатда ўз йўлини топиб, хайкалтарошлик санъатида давр характерини тўлақонли ифодалашга эришди. Санъаткор ижодининг ана шу ўзига хос томони унинг авлиёларга бағишланган «Авлиё Марк» ва айниқса, «Авлиё Георгий» хайкалларида намоён бўлди. Бу асарларда аниқ реал шахсга хос фазилатлар реал шаклларда тасвирланиб қолмай, балки шу давр кишиларининг мукамал инсон тўғрисидаги тушунчалари ўзининг бадий ифодасини топди. Авлиё Георгий хайкалида ҳақиқий ренессанс даври кишиси - зийрак, актив, ўзи учун ҳам, бошқалар учун ҳам кураша оладиган, мукамал қаҳрамон шахс қиёфаси намоён бўлади.



Донателло. Гаттамелатта отлиқ ҳайкали.

Георгий ўз дубулғасини ушлаганча, оёқларини ерга қаттиқ тираб, ўз кучига ишонган ҳолда ҳар қандай душманга мардларча бардош бера олишга ва уни енгишга қодир эканлигини намоён этиб турибди. Бу ҳол унинг ён томонга кескин бурилган бошида, кўз қарашида, оёқларини ёйиб, ерга қаттиқ ўрнашиб туришида кўринади. Донателло ўз асарларида реал одамларнинг хусусиятларини беришга ҳаракат қилар экан, шу билан бирга, антик ҳайкалтарошлик санъати намуналарини ўрганди, уни тенги йўқ намуна, деб ҳисоблади. Унинг «Довуд» деб номланган ҳайкали Уйғониш даврида биринчи марта кийимсиз ҳолда тасвирланган одам ҳайкали эди. «Отдаги Гаттамелатта» ҳайкали эса ўз меҳнати ва ақл-заковати билан жамоатчиликка манзур бўлган инсонни улуғлаш учун ўрнатилган биринчи отлиқ ҳайкали бўлди.

Донателло Уйғониш даври реалистик ҳайкалтарошлигининг асосчиси бўлиб, у фақат шу санъат ғоявий мазмунини эмас, балки бадий воситаларини ҳам янгилашга бел боғлади. Унинг Ижодида гуманистик санъат идеали илк бор ўз ифодасини топди. У натурани чуқур кузатиш, антик дунё санъати ютуқларини ўрганиш асосида Уйғониш даври санъаткорлари ичида биринчи бўлиб, ерда мустақил турган одам ҳайкалини яратиш масаласини ҳал этди, ҳайкалтарошлик портретини бошлаб берди, бронзадан биринчи отлиқ ҳайкалини ишлади. Донателло ижодида бошланган бу хусусиятлар кейинги Европа ҳайкалтарошлигида узок вақт мактаб вазифасини ўтади

Рангтасвир. Флоренция рангтасвири XV асрда реализм йўлига кириб кела бошлади. Рассомлар готика таъсиридан қутулиб, Жотто ижодининг илғор томонларини ривожлантирдилар. Монументал рангтасвирдаги «аль-фреско» кўриниши ўзининг энг гуллаган даврини бошидан кечирди.




Филиппо Липпи.  
«Гудакка таъзим қилиш»

**Фра Филиппо Липпи (1406-1469)** Флоренция рассомлик мактабининг йирик вакилларида бўлиб, ўз даврининг шоир, рассомларидан эди. У Мазаччодан таълим олиб, унга Бранкаччи капелласига деворий суратлар ишлаганида ёрдам берган, деган тахминлар бор. Филиппо Липпи ҳам ўзига замондош санъаткорлар каби диний мавзуда расмлар чизди, Биби Марьям, Исо ва авлиёларга бағишлаб асарлар яратди ва композицияларда ўз замондошларини тасвирлади, уларнинг кийиниши, соч тарашларини айнан ўзига ўхшатиб ишлашга ҳаракат қилди. «Гудакка таъзим қилиш» асари Исонинг туғилишига бағишланган асарлар ичида ўзининг янгича интим ва лирик планда талқин этил иши билан ажралиб туради. Рассомнинг энг поэтик асарларидан ҳисобланган бу композицияда Биби Марьям тиз чўккан ҳолда ерда, майсалар устида ётган чақалоққа қараб тургани тасвирланган. Қуюқ ўрмонзор ва майсазорлардаги гуллар рассом томонидан табиатни чуқур хис қилиб чизилганлигини курсатади. Атрофга енгил ёруғлик таратаётган олтин нурлар Биби Марьям ва чақалоқни ёритган ҳолда, бутун композицияга сирли жозиба киритган. Липпининг «Мадонна чақалоқ ва фаришталар билан» асари ҳам машҳурдир. Агар асарда тасвирланган образлардаги айрим деталлари, масалан, Мадонна боши атрофидаги олтин гардиш ҳамда фаришталардан бирининг ортидан кўриниб турган қанот ҳисобга олинмаса, бу оддий креслода чақалоқ кўтариб ўтирган она ва икки бола портрети сифатида намоён бўлади.



Филиппо Липпи.  
Совға келтирувчиларга таъзим.



Мазаччо.  
Жаннатдан

**Мазаччо.** Флоренция ранг тасвирида Мазаччо номи билан машхур бўлган Томмазо ди сер Жованни ди Симоне Кассаи муҳим ўринни эгаллади ва унда реалистик йўналишни бошлаб берган йирик санъаткор сифатида танилди. Мазаччо 1401 йилли нотариус оиласида дунёга келди ва жуда эрта отасидан етим колди.

Уни олти ёшида Флоренцияга келади ва шу ерда рассомлик асосларини эгаллайди, рассомларга шогирд тушиб, уларга деворий суръатлар ишлашда ёрдам беради. Филиппо Брунеллески ва Донателло ижодини кунт билан ўрганади. Вазари таъберича, у ўз асарларининг табиий, жонли ва реал борлиқга ўхшаб чиқишига ката эътибор беради. Натижада у тезда Флоренция ранг таъсвирида кузга куринган рассомлардан бирга айланди. Мазаччо жуда қисқа, 27 йил умр кўрди (1428 йили вафот этган), лекин шу умри давомида яратган санокли асарлар Италия санъатининг кейинги тараққиётида муҳим роль ўйнади. Рассом ўз ижоди давомида жасур инсоннинг умумлашма, мукамал образларини яратишга ҳаракат қилди. Диний мавзудаги композицияларида ўз замондошлари киёфасини тасвирлашдан чўчимади.



Мазаччо. Статир  
муъжизаси

Рассом яратган композициялар чизик ва ранг преспективаси конунлари асосида ишланганлиги, хар бир образнинг анотомик тузилиши, одам жуссасидаги нур-соя ўзгаришлари, уни мухит билан акс эттириши, шу билан бирга образлардаги яхлитлилик рассом замондошлари, улардан кейинги авлод учун ҳам хақиқий ўрганиш мактаби бўлди. Мазаччо ижодидаги анна шу хислатлар унинг Флоренциядаги Сант Мария дель Кармине черковининг Бронкаччи капелласига ишланган деворий суратлардан яккол намоён бўлади. Бу суратлар рассомнинг асосий иши, ижодининг чуққиси ҳисобланади. Бу суратларда рассомнинг санъатга кўшган ҳиссаси намоён бўлади. Суратлардан апостел Пётр тарихи ва тавротдан олинган воқеалар акс эттирилади. Булар ичида «Жаннатдан қувлганлар», «Статир муъжизаси» каби суратлар диққатга сазовардир.

«Жаннатдан қувилганлар» композицияси сўзсиз, расмонинг ютуқларини ўзида мужассамсамлаштирган асардир. Суратда жаннат дарвозасидан чиқиб келаётган Одам Ато ва Мамо Хаво ҳамда уларнинг тепасида қўлида қилич ушлаган фаришта тасвирланган.



Мазаччо. Авлиё Анна  
Мадонна ёш бола билан.

Асарда ортикча деталь ва образлар йук. Расмон диққатини асосий образларга, сюжетнинг драматик мазмунига қаратишга, уларнинг пластик ечимига эътибор беради ва кийимсиз одамлар тасвирини нур-соя ёрдамида ишонарли холда хажмли талқин этади.

Бунда нур тасвир воситаси сифатида хизмат қилиш билан бирга, унинг ифодали ва эмоционал томонинг ошишида ҳам муҳим ўринни эгаллаган.

У композицияга кенглик, фазовийлик киритади, образларни ҳаво билан ўрайди. Уларнинг одимлаб кетишаётган пайтини ишонарли чиқишига эришади.

Мазоччонинг «Статир муъжизаси» асари кўп фигурали композиция бўлиб, унда Исо ва унинг шогирдларидан шаҳарга киришлари учун соқчиларининг статир (танга) талаб қилганлари ва Исонинг буйруғи билан авлиё Петр кўлдан балиқ тутиб, унинг қорнидан чиққан тангани соқчига берганлиги тасвирланади. Афсонадаги анна шу воқеаларнинг хаммаси бир композицияда акс эттирилади. Унинг марказий қисмида жойлашган шаҳар дарвозаси олдида апостоллар улуғвор, салобатли. Уларнинг хатти-харакати, ўзларини тутишлари, қиёфаларидаги холат, табиат кўриниши асардаги воқеаларни оддий хаётий воқеага яқинлаштиради ва дунёвий мазмун кашф этади.



Мазаччо. Статир муъжизаси

Мазаччодан жуда оз мерос қолган. Лекин Бранкаччи капелласига ишланган суратларнинг ўзиёқ уни янгиликка интилувчан рассом сифатида танилган. Бу куртак кўпгина Уйғониш даври рассомлари учун наъмуна мактаби бўлиб, кейинчалик Италия санъати ривожланишида мухим рол ўйнади. Вазарининг ёзишича, Д.Мазаччонинг Бранкаччи капелласига ишлаган суратларини кўриш учун Италиянинг бошқа шаҳарларидан ҳам рассом ва санъат шинавандалари келган. Булар ичида Уйғониш даврининг буюм рассомлари Леонардо да Винчи, Рафаэль, Микеланжелоларни ҳам учратамиз.



Сандро  
Боттичелли.  
Хушхабар

Сандро Боттичелли (1445-1510), Андреа Вероккио (1435-36-1488) ижодида яққол кўринади. Доменико Гирландайонинг асл номи Доменико ди Томмазо Ди Борди бўлиб, у портрет, тематик композициялар устида меҳнат қилди. Рассомнинг диний мавзудаги деворий суратлари замонавий ҳаёт, турмуш тарзини акс эттирувчи композицияларга ўхшаб кетади. Воқеалар гуё Флоренциянинг кўча ва хонадонларида бўлаётганга ўхшайди.

Қатнашувчи образлар ҳам флоренцияликлар, асосан, медичилар хонадони ва бошқа бой хонадонларнинг аъзолари, гуманистлар, ёзувчи, шоир, рассомлардир.



Сандро Боттичелли.  
Венеранинг туғилиши.



Сандро Боттичелли.  
Хуш хабар.

Сандро Боттичелли илк Уйғониш даврининг энг эмоционал ва поэтик рассомларидан, Флоренция мактаби сўнги босқичининг типик вакилли хисобланади. Унинг асарлари ўзининг чуқур лиризми, воқеликни ниҳоятда шоирона талқин этиши билан характерланади. Боттичеллининг илк асарлари ўзининг майин лирикаси ва бегуборлиги билан характерланади. Бу унинг диний мавзудаги асарларида, конкрет шахсларга бағишланган портретларида кўринади.



Боттичелли. Баҳор.

«Баҳор» «Венеранинг тугилиши» каби етук асарлари антик афсоналаридан олинган сюжетларни ижодкор шоирона, ўз қалб харорати билан оригинал талқин эта олишини кўрсатади.

1490 йиллардан бошлаб, рассом ижодида пессимистик кайфиятлар кучая бориб, бу нарса унинг асарларида ҳам ўз аксини топа бошлади. Бунга сабаб, албатта, шу даврда содир бўлган воқеалардир. Лоренцо Медичининг вафоти, Флоренциянинг Франция қўшинлари томонидан босиб олиниши билан бир вақтда бўлди. Рассомнинг ана шу кайфияти, айниқса, унинг ёпилган дарвоза ёнида йиғлаб ўтирган ёлғиз ёш аёлни тасвирловчи «Хайдалган жувон» асарида намоён бўлади.

Боттичелли ажойиб қаламсурат устасидир. У биринчи бўлиб Дантенинг «Илохий камедия»сига иллюстрациялар ишлаган. XV аср иккинчи яримида Флоренция санъатида содир бўлган ўзгаришлар ҳайкалторош ва рассом Андреа Вероккио ижодида ҳам ўз аксини топади. Вероккио ўз ижодини заргарлик билан бошлади. Кейинчалик ана шу санъатга хос бўлган фазилатлари – вақеликни тасвирлашда деталларнинг тугал ва нафис бўлишига эътибор беришни дастгоҳ ва монументал ҳайкалторошликка ҳам кўчирди. Вероккионинг ҳайкалторошликка оид асарлари ичида, айниқса, «Довуд» ва «Кондотьер Гаттамелатта» ҳайкаллари машхурдир.

Бу ҳайкалларнинг ғоявий йуналиши ва характерини тушуниш учун Донателлонинг «Довуд» «Кондотьер Гаттамелатта»



Боттичелли.  
Куч



Сандро Боттичелли. Ноз-неъмат келтирувчиларга таъзим.

Хайкаллари билан таққослаш мақсадга мувофиқдир. Агар Донател-  
лонинг хайкаллари кўриниши ва образлари характерида инсонийликка  
хос чуқур хиссиёт мавжуд бўлса, аксинча, Вероккио образларида қаттиқ  
қўллик, аристократик рух мавжуд. Бу кондотьер Коллеони хайкалида яна-  
да бўртиб кўринади.



Сандро Боттичелли. Ёш бола билан тахтда ўтирган  
Мадонна фаришта ва авлиёлар билан.



Сандро Боттичелли.  
Афина Паллада ва Кентавр.

### ***Мавзуни мустахкамлаш учун саволлар:***

1. Флоренция уйғониш даври ижодкорларини айтинг?
2. Лоренцо Гиберти ижоди хақида нима биласиз?
3. Мизаччо ижоди?
4. Сандро Батичелли ижоди?

### ***Мавзуда учрайдиган таянч сўзлар.***

Бантистерия, гумбаз, жаннат эшигига қиёсланган эшик, гирлянд, Довуд, вилла

## **МАВЗУ №4. ИТАЛИЯДА ЮКОРИ УЙҒОНИШ ДАВРИ САНЪАТИ**

Юқори Уйғониш даври меъморлигининг асосий анъаналари Римда шаклланди ва ривожланди. Даврнинг гуманистик анъаналари улуғвор ва тантанали меъморлик композицияларида ўз ифодасини топди. Амалий ижодда антик меъморлик ордерлари эркин ва ижодий ишлатила бошланди. Италияда ривожланиб келаётган меъморлик услублари умумлаштирилиб, ягона миллий меъморлик услуги яратилди.

**Донатто д' Анжело Браманте (1444-1514)** янги давр меъморлигининг асосчиси ва йирик вакилидир. У ўз ижодини Миланда (1472-1499) бошлады. Лекин Римга кўчиб келгандан кейингина бу ерда антик санъатни ўрганиш ва ўзлаштириш асосида ўша давр кишилари қарашларига мос бўлган бир қатор йирик меъморлик композициялари ишлаб, даврнинг характерли услубини яратди. Унинг бу янги принциплари Темпъетто деб номланган ибодатхонада намоён бўлди. Айланасимон планда ишланган гумбазли бино атрофи устунлар билан ўраб чиқилган. Ҳажми жихатдан катта бўлмаган бу бино ўзининг монументаллиги билан яхши таассурот қолдиради.

Тасвирий санъат. Флоренция илк Уйғониш даври анъаналари юқори Уйғониш даври учун асос қилиб олинди ва ривожлантирилди. Тасвирий санъатда содир бўлган хусусиятлар ҳам меъморликдаги сингари улуғворликка, умумлашган образлар яратиш ҳамда монументаллаштиришга ҳаракат қилишда намоён бўлди.

**Леонардо да Винчи (1452-1529).** Леонардо да Винчи қишлоғи яқинида, нотариус ойласида дунёга келди. Леонардо 17 ёшлик пайтида отаси Флоренцияга кўчиб ўтади. Шу ерда Леонардо Андреа Вероккио устахонасида тасвирий санъат борасидаги билимини оширди. У ўз устози Вероккиога ёрдамлашиб, унинг «Исони чўқинтиш» асарининг чап томонидаги фаришта расмини ишлайди ва устозидан ҳам моҳирлигини кўрсатади.



Леонардо да Винчи.  
Автопортрет.

Юқори уйғониш даври услубининг асосчиси ва типик вакили Леонардо да Винчи санъатнинг кўпгина турларида ўз кучини синаб кўрди, математика, механика, физика соҳасида илғор фикрларни илгари сурди. Леонардо учун санъат ҳаётни билиш воситаси бўлди. Унинг реал воқелик асосида ишлаган суратлари кейинчалик илмий асарлари учун иллюстрация вазифасини ўтади. Ижодкор характериға ҳос бўлган бу ҳусусият у яратган рангтавир асарининг ўзига ҳос томонларини белгилайди. Унинг ҳар бир асари ҳаётни ўрганиш замирида юзага келган, ижодкорнинг қалб ҳарорати билан иситилган ва ҳаётга бўлган муносабатини ифодаловчи асарлардир. Рассомнинг “Гул ушлаган мадонна” деб номланган илк асарида шундай ҳислатлар мавжуд. Рассом композицияда ортиқча деталл ва лавҳалардан воз кечиб, шаклларни умумлаштиришга интилган. Композицияда ёш она тиззасида ўтирган гўдакнинг она қўлидаги гулга талпинаётган пайти тасвирланган. Тепа томондан тушаётган ёруғлик тасвирининг янада яққол кўринишига имконият яратган. Дарчадан кўринаётган осмон композиция мувозанатлигига ҳизмат

қилиб, образни чексиз табиат билан узвий боғлаган. Асарда ҳеч қандай диний-мистик кайфият йўқ. Она ва бола боши атрофига ишланган тилла гардишни ҳисобга олмаганда, ҳаммаси оддий флоренцияликнинг уйдаги бахтни, она ва бола шодлигидаги гўзалликни куйловчи асар сифатида номоён бўлади. Бу асар дунё сирларини билишга қизиққан, нур ва гўзалликка интиланган инсонни севган рассомнинг дунёқарашни номоён қилади.

Рассом ҳар бир асар устида узоқ вақт ишлар, ишланадиган ҳар бир образ ва деталнинг ҳаётий бўлиши учун дастлаб уларнинг алоҳида натуранинг ўзидан ишлаб, ўрганиб, сўнг композицияга кўчирар эди. Бу унга берилган буюртмаларнинг баъзан вақтида тугалланмаслигига сабаб бўлар, буюртмачи билан низолар келиб чиқар эди. “Сеҳирларга тазим”, “Авлиё Иероҳим” каби асарларнинг ярим тугал ҳолатда қолишига ҳам сабаб шудир. Леонардо Миланда ишлаган кезлари 1482-1499 йилларда у ўзини олим, рассом, инженер сифатида номоён этиш имкониятига эришди. У ўз фаолиятини ҳайкалтарошлик билан бошлади. Милан ҳокими Лодовико Моро отаси учун ёдгорлик моделини ишлади. Лекин 1499 йили Миланнинг француз кўшинлари томонидан босиб олинishi бу ишни амалга ошириш имкониятини бермади.

Меъмор сифатида ҳам Леонардо Миланда бир қатор сурат ва проектлар ишлади. “Ғордаги мадонна”, “Сирли оқшом” каби машҳур асарларини яратди. Миландаги “Сант Мария Делла Грацие” монастери учун ишланган машҳур “Сирли оқшом” деворий сурати Леонардо да Винчи янгиликка интилувчан рассом даражасига кўтаради.

Милан француз кўшинлари томонидан босиб олинган йили Леонардо Фларенцияга қайтиб келади. Бу ерда “Ангиари олдидаги жанг” деворий суратининг картонини яратади. Шунингдек ўзининг машҳур асари “Мона Лиза” асарини ишлайди. “Мона Лиза” портрети жаҳон рангтасвирининг машҳур ёдгорлигидир. Бу портрет билан европа санъатида чуқур психологик портрет санъати бошланади.



Верроккио.  
Исони чўқинтириш.

Леонардо да Винчи.  
Жоконда.





Леонардо да  
Винчи. “Дама с  
горностаем”



Леонардо да Винчи. “Хушхабар”




Леонардо да Винчи. Литта Мадоннаси.

Аслида хотиржам, ўз суҳбатдошига нисбатан самимий ва меҳр кўзи билан боқиб ўтирган флоренциялик аёл тасвирланган. Унинг ортида мураккаб табиат кўриниши акс эттирилган. Аёл шу табиатнинг ажралмас қисми ва у билан узвий боғланган. Сочлари, кийимларидаги букланиш ва жимжималар гўё табиат ритмини қайтариётгандек туюлади. Ана шулар фониди майин ва нозик қилиб ишланган аёл қиёфаси, ниҳоятда чиройли қўллари янада латофатли ва гўзал бўлиб туюлади. Бу латофат ва гўзаллик унинг нигоҳидаги самимийлик ва меҳрибонлик билан уйғунлашиб, мукамал гўзал инсон қиёфасини гавдалантирилади.

Леонардо да Винчи умрининг охирида илмий кузатиш ва уларнинг системалаштириш устида иш олиб боради. Ранг-баранг тасвир ҳақида рисола ёзишга киришади. Бу рисола тугалланмаган бўлса ҳам, тўпланган ва сақланиб қолган қисмлари уни реалистик санъатнинг етук назариётчиси сифатида намоён қилади.

**Рафаэль Санти (1483-1520).** Уйғониш даврининг юксак гуманистик ғоялари шу даврнинг титанларидан бири Рафаэль Санти ижодида ўзининг тугал ва поэтик талқинини топди.



Рафаэль. Ажойиб балиқ ови.



Рафаэль. Папа Лев X икки кординаллар Луиджи Росси ва Джулио Медичи ўртасида.

Оддий рассом Жованни Сантининг фарзанди Рафаэль тасвириёт асосларини дастлаб ўз отасидан, сўнгра маҳаллий урбиналик рассом Тимотео Вити устахонасида давом эттирди. 1500 йил Перуджино (Пьетро Вануччи) устахонасида ўз билимини оширди. Перуджино ижоди Рафаэлга сезиларли таъсир ўтказди. Упинг образларни фазода эркин ва табиий ҳолда жойлаштириш ва тасвирлашга интилиш, мухит билан уйғунликда кўрсатиш каби фазилатлари Рафаэль ижодида сезиларли из қолдирди.



Пьетро Перуджино. Боғдаги ибодат.

Рафаэль ижоди жуда эрта бошланди. 17 ёшида яратган илк асари – “Коннестабиле мадоннаси” рассомни ижодий камолатга эришган, аниқ инсоний пазияга эга санъаткор сифатида намоён этади. Бу асарда кўлидаги китобга талпинаётган гўдакка меҳр кўзлари билан боқиб турган ёш она тасвирланган. Ортида сокин табиат, унинг қўйнида ўз юмиши билан банд одамлар кўринади. Ҳаммаёқда тинчлик ва осойишталик ҳуқум суради. Рафаэль бу асарида образлар ҳарактерининг табиий бўлишига эришган ҳолда, ёш онага хос бўлган лирик кайфият ҳамда воқеалиқдан завқланиш ҳолатини усталик билан кўрсата олган. Чизиқ пластикаси, нафис ранглар уйғунлиги эса шу ҳолни янада чуқурлаштириб, унинг таъсирчанлик томонини ортиришга хизмат қилади.

Перуджияда 4 йилга яқин бўлгандан сўнг Рафаэль яна Урбинога қайтади ва бир оздан сўнг Фларонцияга келади. Бу ерда ўзининг машҳур бўлишига сабаб бўлган қатор мадонналар образини яратади ва тезда юқори уйғониш даврининг етук ижодкорларидан бирига айланади.

XVI аср бошларига келиб Рим Италиянинг муҳум сиёсий ва маданий марказига айланиб борди. Унинг мавқеини янада ортириш мақсадида Рим папалари етук санъаткорларни шаҳарга таклиф эта бошладилар. Шу даврда Мекеланжелло, Брамантелар қатори Рафаэль ҳам папалар диққатини ўзига тортди ва 1508-йили уларнинг таклифига биноан Римга келди. Шу пайтдан

Рафаэль ижодининг энг гуллаган даври бошланди ва шу ерда у ўзининг энг етук асарларини яратди. Дастлаб унга Ватикандаги папалар шахсий хоналарнинг деворлари безаш топширилди. Рафаэль бу суратлар устида 1511-йилгача меҳнат қилиб, уни мувофақиятли бажарди. Бундан хурсанд бўлган папалар унга яна хоналарни безаш ва уларга деворий суратлар ишлашни давом эттиришни топширишди. Бу иш устида рассом 1517-йилгача ишлаб, ўз истеъдодини тўлиқ намоён этди. У ажойиб декоратор, композиция устаси сифатида ўзини кўрсатди. Бу деворий суратлар мавзуси кўп ҳолларда қадимги давр воқеалари, афсоналарига бағишланган. Бу мавзулар замирига эса давр кишиларига ибрат бўла оладиган воқеалар ётар эди. Бу суратлар папаларнинг мамлакатнинг сиёсий жихатдан бирлаштириш, озодлик ва мустақиллик учун олиб борилган курашни кўрсатиши ҳамда йўқолиб бораётган черков обрўсини қайта тиклаш ва мустаҳкамлаш учун зарур эди.


Уйғониш даврининг гуманистик ғоялари, уларни антик дунёга бўлган зўр этиқодлари “Афина мактаби” деворий суратлари билан ўз ифодасини топди. Сурат шу давр кишиларининг ёрқин келажак ҳақидаги ўй ва тасавурларини намоён қилади. Марказида идеалистик ва материалистик фалсафанинг оталари Платон ва Арестотель тасвирланган. Паст томонда, чапдаги зина олдида шогирдлари қуршовида Пифагор, ўнг томонида эса Эвклит ва тепароқда Рафаэль ўзини тасвирлайди. Ҳамманинг хатти-харакатида юксак кўтаринкилик ва яратувчанлик кайфияти ҳукм суради. Рафаэль ишлаган деворий суратлар ичида “Иллиодорнинг қувилиши” композицияси ҳам машҳурдир. Бу суратда ибодатхона бойликларини ўғирламоқчи бўлган суриялик харбий кўмондонни ғойибдан пайдо бўлган отлик ва фаришталар жазолаб, ҳайдаётган пайти тасвирланган.

Рассом дастгоҳ рангтасвирида етук портретлар яратди. Булардан ташқари, Рафаэль Римда бўлган кезларида ўзининг энг машҳур асари “Сикст мадоннаси” асарини яратди. Бу сурат авлиё Сикст черкови учун мўлжалланган эди. Асар учун афсонавий воқеа асос бўлган. Афсоналарга кўра Биби Мариям ўз фарзандини душманга топшириб, ерадги одамларни озоб-уқубатдан қутқариши мумкин бўлган. Рассом композициясида Биби Мариямнинг ўз фарзандини душман қўлига топшириш учун кетаётган пайти тасвирланган. Гўё парда осилиб, бола кўтарган Биби Мариямнинг оёқларини булутларга қўйиб, пастга тушиб келаётгани, пастроқда унинг икки томонида авлиё Сикст ва авлиё Варвара, пастда ҳаёл суриб ўтирган фаришталар тасвирланган. Уларнинг нигоҳи чексизликка қаратилган. Бу асарда рассом ўз манфатини халқ манфаатидан устун қўядиган мукамал инсон образини яратиб, ўз даври кишиларининг гуманистик ғояларини шоирона талқин эта олди.

Рафаэль ижодининг сўнги йиллари ранг-баранг. У рассомлик билан бирга меъмор сифатида ҳам ижод қилди. У Браманте вафотидан кейин авлиё Петер саборини қуриш ишига раҳбарлик қилди, вилла ва черковлар

учун картон ва чизмалар ишлади, қаламда суратлар чизди. Рафаэль 37 ёшида вафот этди.

**Микеланжело Буонаротти (1475-1564).** Уйғониш даври кишиларининг мукамал инсон тўғрисидаги тушунчалари юқори Уйғониш даврининг буюк ижодкори Микеланжело ижодида ўзининг тўлиқ ва атрофлича ифодасини топди. Бу санъаткор қахрамонлари инсондаги бутун ижобий хислатларни фазилатига сингдириб юборган кишилардир. У санъатнинг кўп турларида, жумладан, ҳайкалтарошлик, меъморлик, рассомликда ижод қилди. Лекин у қайси санъат турида ижод этмасин, шаклий жиҳатдан тугал, ғоявий жиҳатдан чуқур, бадиий жиҳатдан гузал асарлар ярата олди.



Рафаэль. Креслодаги мадонна.

Микеланжело 1501-йили Флоренцияга қайтади. Шу ерда шаҳар советининг буюртмаси билан яхлит мрамрдан ўзининг машҳур “Довуд” ҳайкали устида иш бошлайди ва ниҳоят 1504-йили бу ҳайкал Флоренциянинг бош майдонига ўрнатилади.

Замондошлари бу ҳайкални юқори баҳолайдилар ва уни Флоренция республикасининг ҳимоячиси, эркинлик ва озодлик рамзи сифатида қабул қиладилар. Ҳақиқатдан ҳам, афсонавий қахрамон буюк санъаткор учун давр идеалини ифодалашга жуда қўл келди. Бу образга ўз вақтида Донателло, Вериккио мурожат қилишган эди. Лекин Микеланжело ўз

қахрамонининг ғалабадан кейингии пайтини эмас, балки жангга тайёр турган пайтидаги ҳолатини тасвирлаш орқали унинг гуманистик характерини янада кучайтиради. Санъаткор санъат тарихида биринчи бўлиб, бутун кучи билан душман хамласига қахшатқич зарба беришга тайёр турган жасоратли, қудратли инсон образини яратиш орқали ўз бахт-саодати учун кураша оладиган, ўз куч ва имкониятларини тўғри баҳолай оладиган инсон образини яратишга муяссар бўлди.





Рафаэль.  
Кардинал

Микеланжело ўзини ҳайкалтарош деб ҳисоблар эди. Лекин рангтасвир санъатида ҳам у ўз замондошларидан ўзиб кетди ва унинг ҳақиқий нодир намуналарини яратиб қолдирди. Бу санъатда ҳам рассомнинг бош қахрамони инсондир. Унинг жисмоний қудрати, ақлий баркамоллиги ва маънавий гўзаллиги санъаткор ижодининг бош йўналишини белгилайди. Бу ғояни ифодалашда эса санъаткор ўзига хос монументал бадиий тилдан жуда ўринли фойдаланади. 1503-1504 йилларда яратган ягона дастгоҳ асари бўлган «Муқаддас оила» (Донни мадоннаси)

композициясида ишлатилган яхлит шакллар, образларнинг ҳайкалтарош асари сингари ҳажмли талқин этилиши унинг мазмунини янада чуқурлашиши ва таъсирчанлигининг ортишида катта аҳамиятга эга бўлди. Биби Марям, Юсуф ва Исо образлари улуғ сиймолар даражасига кўтарилган.



Рафаэль. Сикстин мадоннаси.



Микеланжело. Довуд.



Микеланжело. Тун.



Микеланжело. Дельфа

1534 йили Микеланжело бутунлай Римга кўчиб келади. Папа Павел III буюртмаси сикст капелласининг меҳроб деворига «Қиёмат қойим» мавзусида расм ишлайди. Композиция марказида Исонинг ўз гуноҳкор бандаларини сўроқ қилаётган пайти тасвирланган.

Микеланжелонинг Римда ишлаган ҳайкалтарошлик асарлари санокли. Уларда ҳайкалтарошнинг бирмунча мунгли кайфияти ўз ифодасини топган. Ижодкорнинг меъморлик истеъдоди Римда бирмунча ривожланди. Бу ерда у авлиё Пётр соборини қуришда, шаҳар ансамблларининг реконструкциясида қатнашди

Микеланжело ижоди ўз даврида ва ўзидан кейинги давр санъаткорларига кучли таъсир қилди.

***Мавзуни мустахамлаш учун саволлар:***

1. Италия юқори уйғониш даври санъати хақида гапиринг?
2. Леонардо да Винчи ижоди?
3. Рафаэль Санти ижоди?
4. Микеланжелло ижоди?


***Мавзуда учрайдиган таянч сўзлар.***

Мадонна, диний – мистик, инжил, модел Жаконда, декоратор, Афина мактаби.

**МАВЗУ №5. ВЕНЕЦИЯ ЮҚОРИ УЙЎОНИШ ДАВРИ САНЪАТИ**

XV аср ўрталарида Венеция юқори Уйғониш даврига қадам қўйди. Константинополнинг турклар томонидан босиб олинishi Италия шаҳарларида аввалги савдо-сотик ишларининг камайишига олиб келди. Лекин ўз кулида жуда кўп бойлик тўплаб олишга улгурган Венеция аристократияси узок вақт ўз мустақиллигини сақлаб қола олиш имкониятига муяссар бўлди. Санъат ва маданиятда юқори Уйғониш даври принциплари ўз ифодасини топди. Бу ерда етук меъмор, ҳайкалтарош, рассомлар ижод қилиб, Италия обрусини дунёга таратди.

Инсон жисмоний гўзаллигига мафтун бўлиш, унинг тасвирининг ишлашга интилиш венециялик рассомлар ижодида алоҳида ўрин тутди. Инсонпарварлик анъаналарига содиқ бўлиш, инсон иродаси ва имкониятларига ишониш етук рассомлар ижодининг асосини ташкил этди. Венеция рангтасвиридаги ана шу хусусиятлар дастлаб Жоржоне деб ном олган **Жоржо Барбарелли Кастельфранко (1476-1510)** ижодида кўрина бошлади. Унинг “Юдиф”, “Ухлаётган Венера” каби машхур асарлари воқеликни шоирона талқин этиш, чуқур лирик ҳис-туйғунинг мўллиги билан характерланади. Рассом ўз қахрамонларини кўп ҳолларда табиат кўйнида тасвирлайдики, сокин, осойишта табиат кўриниши унинг асарларига шоирона рух киритиб, таъсирчанлигини оширади. Жоржоне ўз устози Белинининг мойбўёқда расм ишлаш техникасини янада боитди, хажм, нур, ҳаво ва ранглардаги жозибани мойбўёқдан зўр маҳорат билан ифодаланди. Жум ладан, “Ухлаётган Венера” асаридан бадан харорати ранглар жозибаси ва товланиши орқали ишонарли талқин этилган. Жоржоне ижоди гуллаган бир даврда ҳаётдан кўз юмди. Ҳатто, у ўзининг “Ухлаётган Венера” асарини тугатишга ҳам улгурмади.




Жоржоне. Подшо Сулаймон хукми

Жоржоне.  
Исо Масихни  
оловда синаш




Унинг манзара қисмини,шунингдек,бир қатор буюртмаларини унинг шогирди **Тициан Вечелло (1487-1576)** давом эттирди ва тугатди.Тициан ўз устози бошлаган ишни давом эттириб, унинг юксак маҳорати,рангнинг таъсирчан томонидан тўлиқ фойдаланишга интилишини чуқур инсонпарварлик ғоялари билан тўлдириб,Венеция юқори Уйғониш даври санъатининг етук наъмуналарини яратди.Тицианнинг илк асарларида воқеликнинг хотиржамлик билан идрок этишда,танланган типларнинг кўриниши ҳамда мавзусида Жоржоненинг таъсири сезилади.Лекин Тициан образлари ўзининг тўлақонлилиги,хушчақчақлилиги,хиссиётлилиги билан фарқланиб ҳам туради.У ўз асарларида кўпинча қарама-қарши характерларини,уларнинг ички холати ва кечинмаларини тасвирлайди. Буни”Ердаги ва ҳаёли муҳаббат”,”Кесари динори” каби асарларида кўриш мумкин.Тициам ижодининг гуллаган даврида меҳроб учун қатор суратлар ишлади,Портретлар чизди .Уларда воқеликни тўлақонли ва атрофлича тасвирлашга интилиш сезилади. Тасвирланаётган хар бир аниқ,тугал характерни кўрсатишга интилиш унинг асарларига ҳаётилик киритади. 1530-1540 йилларга келиб,рассом асарларидаги ҳаяжонли ва динамик композиция ўрнини хотиржамлик мувозанатлик композициялар эгаллай бошлайди. Рассомнинг диний ва мифологик мавзуларидан ишлаган

расмларида ҳам бевосита шахар ҳаёти лавҳалари аниқ типлар тасвири киритилган .



Тициан. Автопортрет.



Тициан. Кесар



Тициан. Оина олдидги  
Венера.



Тициан. Флора.

Тициан бутун ижоди давомида портрет жанрида ижод қилди. У ўз қахрамонларининг характерини очишда тасвирланувчининг хатти-харакати, ўзини тутиши, мимик ҳолатига эътибор беради. «Қўлқопли йигит портрети» да қисилган лаб, чакнаб турган кўз, оқ ва қора рангдаги кийимлар конкрет характерни чуқурлаштириб, аниқ мақсадга интилувчи, ўз имконият ва қадрини билган ишбилармон, зийрак инсон қиёфасини гавдалантиради. «Ипполито Риминальди портрети» да эса тасвирланувчи образнинг қаршида, оқарган юзида унинг ички ҳиссиёти - иккиланиш ва хайрон бўлиш кайфияти очилади.



Тициан. Урбина герцогиняси Элеонора Гонзаге делла Ровере. Портрети.




Тициан. Урбина герцоги Франческо Марии делла Ровере. Портрети.


Тицианнинг «Папа Павел III ўз жиянлари билан» (1545-1546), «Карл V нинг отда ўтирган пайтидаги портрети» (1548) асарлари ҳам ўзининг реалистик характери билан қимматлидир.

Тициан.  
Бемор киши портрети.





Тициан.  
Ёш йигитча портрети.



Тициан. Тобитга қўйиш.

Тициан эндиликда одамларнинг азоб чекаётган, қиналаётган пайтларини тасвирлаётган асарлар “Авлиё Лаврентийни қийнаш”, “Тиканли чамбар”, “Авлиё Севастьян” ярата бошлади. Рассом ижодий услубида ҳам ўзгаришлар содир бўлиб, ранглардаги ёрқинлик ва жилвадорлик ўрнини оғир, мунгли, қорамтир ранглар эгаллади.

**Андреа Палладио (1518-1580)** ҳам сўнги Уйғониш даврининг йирик меъмори ва назариётчисидир. Унинг 1570 йилда нашр этилган «Меъморлик тўғрисида тўрт рисола» китобида антик меъморлик ва ордерлар системаси ҳақида тўхталиб, уларни ўзгартириб бўлмайди, деб ҳисоблайди. У ўз идеалини антик меъморлигида кўрди ва шу идеални ўз ижодида қайтаришга ҳаракат қилди. Меъмор бино учун яхлит, классик нормадаги шакллардан, қатъий симметриядан фойдалангани ҳолда, улардан декоратив эффект топади. У феодал саройларини шаҳар уйларига айлантиради. Унинг қурган бинолари шаҳар ансамблининг ажралмас элементига, кўчаларнинг ажралмас қисмига айланади. Палладионинг Виченци яқинидаги Ротонда вилласи ҳамда Венециядаги Сан Жоржо Маржоре черкови характерли бўлиб, маркази куббали квадрат пландаги бу бино юқори цокол устига қўйилган ва тўрт томонида кенг айвонлар мавжуд. Бинонинг улуғвор ва сипо кўриши табиат билан гармоник уйғунлашган. Палладио қурган биноларнинг улуғвор кўриши, нисбатларининг гўзаллиги, ишлатилган шаклларнинг ифодалилиги кейинги Европа санъатида, айниқса, Англия ва Россия меъморлигида классицизм принципларининг шаклланишида муҳим роль ўйнади.

**Франческо Маццола (1503-1540).** Пармиджанино деб ном олган пармалик рассом Маццола ижодида маньеризм оқимида хос бўлган хусусиятлар тўлиқ ифодасини топди. У ўзиинг илк асарларидаёқ (масалан, «Қавариқ кўзгу олдидаги автопортрет», 1527 й.), «Атир гулли мадонна» да шу фазилатлар кўрина бошлади, рассом дастлаб томошабини ўзининг ишлаш услуби ва тасвирланаётган воқеликнинг ҳайратда қолдирадиган даражада бўлишига интилади. Ишлаган мадоиаларини кўп ҳолларда кичик башли, узун бўйинли, найнов, ғайри табиий хатти-ҳаракатда тасвирлайди, асар учун ёрқин, сержилва колорит танлайди. Пармиджанино ижодидаги бу хусусиятлар маньеризм оқимининг ривожланиши ва ёйилишида катта таъсир қилди.

**Жоржо Вазари (1511-1574).** Монументал-декоратив раиғтасвирдаги маньеризмнинг типик вакили Вазари ҳисобланади. Унинг асарлари ўзининг образ ва деталларининг ҳаддан ортиқ кўплиги, композицияларининг бирмунча бўш ишланганлиги билан характерланади. Лекии Вазари санъат тарихида ўзининг «Эиг машхур рассом, ҳайкалтарош ва меъморлар ҳаёти тўғрисида» деган китоби билан шуҳрат қозонган.

***Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:***

1. XV Венеция уйғониш даври санъати?
2. Тициан ижоди?
3. Франческо Маццола ижоди?

#### 4. Жорж Вазари ижоди?

*Мавзуда учрайдиган таянч сўзлар.*

Сан Марко, қўнғирокхона, черков, Венеция мактаби.

### **МАВЗУ №6. НИДЕРЛАНДИЯДА УЙҒОНИШ ДАВРИ САНЪАТИ**

Нидерландияда географик ўрнининг қулайлиги туфайли савдо-сотик кенг ривожланди ва у XV-XVI асрларда иқтисодий жихатдан жадал тараққиёт йўлига кирди, миллий бирлик кучайди. Лекин ўрта асрчилик системаси жуда секинлик билан чекинди ва деярли XVI асрнинг охирига қадар чўзилди. Бу ҳол бевосита санъатнинг характерида ҳам ўз ифодасини топди.



Ян ван Эйк. Чета Арнольфини портрети.

Бундан ташқари, нидерланд санъатида инсон образига материалистик дунёнинг бир қисми сифатида қаралди ва бу ҳол манзара, ҳаётий-маиший жанрда, интерьер ва портрет санъатида ўз ифодасини топди. Нидерланд рассомлик мактабининг ривожланиши ва ютуқлари Ғарбий Европа дастгоҳ санъати ривожланишига катта таъсир қилди.



Ян ван Эйк. Гент меҳроби.


Асосан, анъанавий ўрта аср мавзусида ишланган бу суратлардаги образлар тўлақонли, ҳаётий талқин этилади. Инсоннинг табиат билан уйғунлиги, коинотнинг шакл ва жило ранг-баранглиги нидерланд санъатида ўзининг бадиий ифодасини топди. Гент меҳробига ишланган суратни Губерт билан ҳамкорликда бошлаган Ян ван Эйк унинг вафотидан кейин тугаллади. Ян ван Эйк ижодининг етилган даврида Гент меҳроби суратларига хос ҳикоянависликдан воз кечиб, кўпроқ; асарида ифодаланган образларнинг ҳис-туйғу ва кайфиятларини тасвирлаш орқали ўзининг дунё, ҳаёт тўғрисидаги тушунча, муносабатларини ифодалашга ҳаракат қилди. Шу мақсадда кам фигурали композициялардан фойдаланди. Лекин уларнинг ички дунёсини ифодали кўрсатишга интилди.

Ян ван Эйк портрет санъатининг мустақил санъат турига айланишида муҳим ўрин тутади. У ўз қахрамонларини биринчи планда тасвирлаб, тамошабинга унинг ички дунёси, маънавий оламини очиш, характерини кўрсатишга муяссар бўлади.

Ян ван Эйк реалистик санъати кейинги Нидерланд санъати ривожда бош мезон бўлиб қолди.


XV асрнинг ўрталаридан бошлаб ,ўрта аср санъати анъаналари ўз кучини деярли йўқотди,ўрнини эса ҳаётий мавзу эгаллади.Инсон ҳис – туйғу,ички олами янада чуқурроқ ўз ифодасини топа бошлади,ҳаёт ранг-баранглиги эса кенг ва атрофлича ёритилади.Шу йўналишда ижод қилган рассомлардан бири Рогир ван дер Вейден(1399-1464) бўлди. У индивидуал образлар ,уларнинг рухий ҳолат ва фазилатларининг очишга интилди. Бу, айниқса, унинг портретларида яққол намаён бўлди. Франческо д’ Эсте портретида рассом образнинг ташқи қиёфасидаги характерли тамонларини бўртириб кўрсатиш орқали унинг характерининг очишга интилган .

Нидерланд санъатида XV асрнинг 40-йилларидан бошлаб, ҳикоянавислик элементлари кучая бошлади, тасвирда драматик воқеаларнинг тасвирини ишлашга интилиш сезилди. Инсон ҳис-ҳаяжони, характерини очишга интилиш бу даврда ҳам кўпгина рассомларни ўзига жалб этди. **Гуго ван дер Гус (тах. 1435-1482)** ижодида, айниқса, шу ҳол яққол сезилади. Гусни инсоннинг кучли ҳис-туйғулари қизиқтиради, айниқса, драматик, фожиали ҳис-туйғуларни зўр маҳорат билан ишлайди.



Гуго ван дер Гус. Чақалоқ Исога таъзим.

Гуго ван дер Гус.  
Портинар меҳроби.




Гуго ван дер Гус.  
Томмазо Портинари  
ўзининг иккита ўғли

Нидерланд рангтасвирининг янги равнақи XVI асрга тўғри келади. Бу мамлакатнинг иқтисодий равнақи билан боғлиқдир. Лекин XVI аср иккинчи ярмидан бошлаб, гуманистик ғоялар инқирозга учрай бошлади, социал конфликтдаги драматизм инсонга бўлган муносабатни пасайтириб юборди. Шулар ҳаммаси XVI аср нидерланд санъатидаги зиддиятларни ўзида ифодалади.

**Катта Питер Брейгель (тах. 1525-1564)** XVI аср нидерланд рангтасвирининг йирик вакили бўлиб, унинг ижодида нидерланд санъати ўзининг энг гуллаган даврининг намойиш этди. Брейгель ўз ижодида ўздан аввалги санъаткор ва замондошларининг рангтасвир санъати борасида эришган ютуқларининг умумлаштирган ҳолда унинг янги мазмун билан бойитди. Ўз даври зиддиятларини кундалик оддий халқ ҳаётида кўрди, ўз асарларида оддий халқ асосан, дехқонлар, камбағаллар, дарвеш ва дайдилар, тиламчилар ҳаётини ифодалади. Рассом ҳаёт гўзаллигини халқнинг тинч меҳнат фаолиятида, инсон ҳаётининг табиат ҳаёти билан уйғунлашиб кетишида кўрди. Ижодида шу анъаналарга содиқ қолди .

Брейгель рассом сифатида ўз ижодини романист Кук ван Альст устахонасида бошлади. Италия бўйлаб саёҳатда бўлиб, антик санъатни ўрганди. Булар унинг бадиий тасаввурини кенгайтди, ҳаётга бўлган муносабатини ёрқинлаштирди.



Питер Брейгель. Қордаги овчилар.



Питер Брейгель. Кўрлар.

Унинг қалам ва акварелда ишлаган илк расмларида, айниқса, табиат манзараларини акс эттирувчи суратларида бу хусусият табиатни, ҳаётни яхлит органик бутунликда ҳис этиб, тасвирлай олишини кўрсатади. Шу

йилларда рассом сатирик композициялар устида ишлайди. Брейгель ижодининг гуллаган даври 1560 йилларида-мамлакатда революцион кайфиятнинг юксалаётган пайтига тўғри келади. Шу йилларда у, бир томондан, табиат қўйнида завққан тўлиб меҳнат қилаётган деҳқонлар ҳаётига бағишланган ва табиат манзараларини тасвирлайдиган суратлар чизса “Ўрим”, “ Деҳқонлар ўйини”, иккинчи томондан даврнинг фожиали воқеалари ўз аксини топган “Гўдакларни савалаш” асарлар яратди. Рассом ижодидаги кейинги хусусият унинг сўнги ижодида янада ортди. “Кўрлар” деб номланган асари бир тўда кўрларни бошлаб бораётган йўл бошловчининг йиқилиши қолганларнинг ҳам унинг кетидан йиқилишидан сабаб бўлаётганини кўрсатиш орқали ўз тақдирининг билмаган, ҳаётда кўр-кўрона яшаётганлар фожиаси рамзига айланди. Брейгель ўз ижоди билан нидерланд рангтасвирининг изланишларига яқун ясайди. Шу билан бирга, унинг ижоди кейинчалик Рубенс ва Рембрандтлар ижодида йўл очади.

***Мавзунини мустахкамлаш учун саволлар:***

1. Нидерландия XV аср санъати?
2. Ян ван Эйк ижоди?